

УДК: 636.2

ТАНАЛАРНИ ПОДАДА ҚАЙТА ТИКЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

О. Мамадиев

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Тошкент филиали катта ўқитувчиси

Б. Илесова

– Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Тошкент филиали талабаси

С.Қличев

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Тошкент филиали магистранти

АННОТАЦИЯ

*Мақолада фермер хўжалигида урчитилаётган қора-ола зотли таналарни
подани қайта тиклаш хусусиятлари келтирилган.*

Калит сўзлар: чорвачилик, оталаниш даври, сермахсул сигирлар, урғочи
тана, фермер хўжалиги, сунъий усул.

АННОТАЦИЯ

*В статье приведены данные особенности воспроизводства стада телок
черно-пестрой породы, разводимых в фермерском хозяйстве.*

Ключевые слова: скотоводство, разведение, племенные коровы, самки,
разведение, искусственные методы.

ABSTRACT

*The article presents the features of the reproduction of a herd of black-and-
white heifers breed on a farm.*

Keywords: cattle breeding, breeding, breeding cows, females, farming, artificial
methods.

КИРИШ

Чорвачилик амалиётидан маълумки, хўжаликда сермахсул биринчи туққан
сигирларни қисқа муддатларда, кам ҳаражат билан етиштириш учун наслдор
бузоқ, тана ва ғунажинларни жадал ўстириш керак.

Ҳар бир наслчилик фермер хўжалигида ўзининг подасини ва бошқа фермер
хўжаликларини биринчи туққан сигирлар билан таъминлаш вазифаси туради.
Шунинг учун ҳар бир наслчилик фермер хўжалигида унинг имкониятларидан

келиб чиққан ҳолда тана ва ғунажинларни жадал ўстириш технологиясини қўллаш талаб этилади.

Таналарни жадал ўстириш орқали меъёр ёшида (16-18 ойлик) ва тирик вазнида (330-350 кг) етилтириш муҳим зоотехникавий тадбир бўлиб, маъсулият ва оғир меҳнатни талаб этади.

Хўжаликларда таналарни подани қайта тиклаш хусусиятлари озиклантириш ва сақлаш шароитлари, меъёри ва типига қараб фарқланади.

Таналарни оталангунгача бўлган даврнинг узайиб кетиши биринчи тукқан сигирларни ўстириш таннархини қимматлаштирилиб юборади. Таналарни подани тўлдириш хусусиятларини ўрганиш бўйича хориж ва мамлакатимиз олимлари кўплаб тадқиқотлар олиб борганлар. Бу олимларнинг кўпчилиги таналарнинг подани қайта тиклаш хусусияти озиклантиришга боғлиқ дейишган [1,2].

Соғлом яхши ривожланган урғочи таналар 16-18 ойлигида қочирилади. Таналарни вақтида қочирмаслик подани қайта тўлдириш суръатини пасайтиради. Бу ўз-ўзидан, сигирлар қисир қолиши, муддатидан олдин яроқсиз бўлиб қолиши ва бошқа салбий ҳолатларни юзага келтиради [3].

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Биз тадқиқотларимизни Тошкент вилояти Тошкент туманидаги “Роҳатой” наслчилик фермер хўжалигида урчитилаётган қора-ола зотли моллар устида олиб бордик. Бунда 3 гуруҳда 10 бошдан таналар 16-18-20 ойлигида уруғлантирилган, гуруҳлар аналоглар асосида, молларнинг келиб чиқиши, тирик вазни, ёши семизлик даражасига қараб соғлом моллардан шакллантирилди. Тадқиқот моллари очиқ айвонлар тагида хўжалик рационидида озиклантирилди ва парвариш қилинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, таналарнинг жинсий етилиши, жинсий рефлексларни уйғониши, биринчи жинсий цикллар 11-12 ойликдан бошлаб кузатилди.

Таналарни қочиришга мўлжал 350 кг тирик вазнида (16-18 ойлигида) ҳисобланади. Шу даврга келиб таналар жисмоний (физиологик) балоғатга эришади. Куйга келган таналар гуруҳлар ичидан эрталаб ва кечкурун анъанавий усулда ажратиб олинди.

Таналар сунъий усулда икки марта эрталаб ва кечкурун 12 соат фарқ билан уруғлантирилди.

1- жадвал

Таналарни подани қайта тиклаш хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Оталаниш вақтидаги ёши, кун	487±5,6	536±6,1	601±8,5
Оталаниш давридаги тирик вазни, кг	347,5±1,61	350,1±2,68	380,9±2,77
Қочириш индекси, марта	1,31±0,18	2,1±0,34	3,2±0,22
Биринчи қочиришдан оталанган, бош	86,6	80,0	35,0
Бўғозлигининг давомийлиги, кун	283,3±0,4	283,6±0,54	284,3±1,03
Биринчи тукқандаги ёши, кун	770,5±2,0	819,6±1,86	885,3±2,27

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, биринчи гуруҳ таналари 487 кунда ёки иккинчи гуруҳга нисбатан 49 кун ва учинчи гуруҳга нисбатан 114 кун эрта оталанган. Шу даврда таналар тирик вазнида 33,4 килограммлик фарқ 20 ойлигида қочирилган молларга устунлик бермай, балки уларнинг подани қайта тиклаш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган, ёки уруғ сарфи 1,89 марта кўп бўлиб, ғунажинлар 115 кун кеч тукқан.

ХУЛОСА

Урғочи таналарни 16-18 ойлигида меъёрдаги тирик вазнда қочириш подани қайта тўлдириш суръатини жадаллаштиради ва бу ўз навбатида сигирларни қисир қолиши ҳамда муддатидан олдин яроқсиз бўлиб қолиши каби салбий ҳолатларни олдини олади.

REFERENCES

1. Максудов И., Амиров Ш. Фермер хўжалигида сермахсул сигирлар ўстириш. Зооветеринария журнали. №4. 2008. 38-39 б.
2. Гаджиев М., Мамедов Н. Молочная продуктивность и воспроизводительная способность коров костромской породы. Ж. Молочное и мясное скотоводство. №5. 1991. с.11-12.
3. Қўлдошев О. Подани қайта тўлдириш. Зооветеринария журнали, нишона сони. 2007. 3 б.